

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

8-йил чиниши.
28 июль 1973 й.
ШАНБА
№ 175 (2159).
БАҲОСИ 2 ТИЯНИ.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КЎПМАН
ВАХТАСИ
КАМ - МАБЛАҒ
САРФЛАБ,
КЎПЛАБ
СИФАТЛИ
МАХСУЛОТ
ИШЛАБ
ЧИҚАРАЙЛИК!

Мусобақага қўшилди

Тажриба-миллакатлик фабрикаси коллективи партия ва ҳукумати томонидан 1973 йил тошпирикларини мундатдан илгари бажариш юзасидан Бутунитфотко социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорни асосидан ишлаб, меҳнатда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Қўшувчи йил тошпиригини 24 декабрда бажариш, планга қўшимча 26 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, унумдорлигини ошириш, қўлаб хом ашё материаллари тежаб қилишга қарор қилинган.

Ҳўш, корхона ишчилари зиммаларига олган мажбуриятларини қандай бажаришга? Шунини айтиш керакки, фабриканинг барча цехларида мусобақа тобора оммача бўлиб бораётган. Шу тўғрисида йиллик ва беш йиллик тошпирикларини мундатдан илгари адо этиш ташаббускорлари сови охири бормоқда. КПСС аъзолари: ўқувчи Н. Ҳамидова, В. Фролова, З. Махкамбоевалар айтиш кезларда 1973 йил тошпирикларини бажаришга, И. Сандова, Х. Султонова, Э. Иброҳимов, Д. Умаршайхо-

Сифат учун курашиб

«Юлдуз» тикувчилик фирмасининг партия комитети корхонада тайёрланаётган буюмларнинг сифати масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Бошлангич ва цех партия ташкилотларида беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида ҳам маблаг сарфлаган ҳолда кўпроқ, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш масаласи кўриб чиқилди ва белгиланган амалий тадбирлар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Бачини цехининг коллективи цехларда социалистик мусобақада иштирок этишга қўлдош берилди. Бу цех ишчилари кўплаб тежамкорликка эришмоқдалар.

Чеварлар ўртасида кенг авж олдирилган социалистик мусобақа ўз самарасини беришти. Корхона коллективи зарбдор йилнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш етти ойлик планини мундатдан бир ҳафта олдин бажариб.

Обод бўлмоқда

СВЕРДЛОВ. «Буҳараобсельстрой» трестига қарашли 1-механизацияланган кўчма колонна коллективи Свердлов районининг марказида 16 қаватли уйни фойдаланишга топширди. Бу — сунгги ички йил ичда бу ерда қурилган 50-тур жойдир. Йилнинг охирида маҳсулот таъминотида ҳам катта миссияда қўрилган ишлари олиб боришмоқда. Ҳамма ҳужжатларда беланган божчалар унум ахшигина биналар қурилган. Қўшувчи бригадаларда яқин жиҳозланган дала ший-понлари пайдо бўлди.

Чеканка қилинмоқда

ФАРҒОНА. Фарғона областидаги ҳужжатларнинг механизаторлари гузани чеканка қилиш суратларини оширишмоқдалар. «Риштон» совхозинда тракторчи Олимжон Қурбонов ва Рузалия Тўйиматов бир кунда 7-8 гектар ердаги гўзага ишлов бермоқдалар. Бу эса нормадан 1,5 ба-равар кўпроқ. Бу ишда улар 30-35 ишчининг хизматини баҳармоқдалар.



«Компрессор» заводи коллективи ишлаб чиқарётган компрессор вакуум насослари мамлакатимиз халқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда. Бундай мосламалар кишлоқ хўжалигида озми-овдат санотни корхоналарда, қурилишларда қўлланилади.

СУРАТДА: 3-механика цехининг ёш зарбдор слесарларидан Григорий Курдов билан техника интрولى бўлими контроллери Екатерина Волкова дам ўтказишмоқда.

Кўчалар чироқ очмоқда

Фрунзе районидида беш йилликнинг мундатдан олдин бажаришга 20 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 225 минг погон метр ариқ капитал ремонтдан чиқарилиди. Шунингдек, 40 погон метр трубо-

Халқ истеъмоли буюмларига кенг йўл!

МИРЗАЧУЛДА БИРИНЧИ

Шу йилнинг август ойида Сирдарё областининг Гулистон шаҳрида тикувчилик фабрикаси ишга туширилди. Қўриқ ерда биринчи ҳисобланган бу корхонада хотин-қизларнинг маҳсулотли либослари тикилди. Унинг бир йиллик маҳсулоти 2 миллион сумни ташкил этади.

ТЕМИРЙУЛЧИЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўрта Осиё темир йўлининг коллективи 25 июлда юк жўнатиш бажариб, 10 вагонларнинг таъминоти тўлиқ бўлиб, ҳам охириб адо этилди.



Яқинда Луначарский кўчасида 9 қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Унинг биринчи қаватинда янги рангли бадий фото-салон «Тошкент» фотостудияси очилди.

СУРАТДА: янги фотостудия. М. Нуридинов фотоси.

Маданият саройларида

МУҲАЛИСЛАРНИ ШОД ЭТИБ... Темирйўлчилар маданият саройи ҳам хўш ҳолда ишга туширилди. Унинг биринчи қаватинда янги рангли бадий фото-салон «Тошкент» фотостудияси очилди.

Партия ташкилотларида

Кадрларни ғоявий чиниқтирайлик

Тошкент авиакорхона-сининг партия ташкилотлари марксистик ташкилотлари ва меҳнатчиларининг иштироки билан шунинг системасида янги ўқиш йилига тайёрла-

Халқ контролёрлари—посбонликда

Составида элдиндан бориш фахрий бригадаларининг материаллари бўйича 30 минг сумлик нормадан ташқари хом ашё ва материал қолдиқларини реализация қилишда, тайёр маҳсулотни ўз вақтида жўнатиш учун цехларни ишлаб чиқариш, ярим фабрикалар, конейерлар билан таъминлаш ахшиланди.

«ТОНГГИ» газетларида

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев кеча Киевдан Крымга келди.

«Москва темир йўли» — Сортировочная станцияси коллективининг транспорт восителаридан янгида самарали фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасидаги ташаббуси тўғрисида КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорнинг баён эълон қилинган.

Янги сабзаёт ярмаркаси.

Бош универсал мағанини ёнда сабзаёт ярмаркаси иш бошлади. Бу ердан турли хил сабзаёт маҳсулотларини, медаларни харид қилиб олиш мумкин. Ярмаркага маҳсулотлар Оржоникиде ва Янгийўл районларидаги хўжаликлардан келтирилмоқда.

МЕТРО УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

Даришни ўзлаштирган эди.

«ШАҲРИНГИЗ МЕНИ МАФТУН ЭТДИ»

Польша Халқ Республикаси Касаба Союзи Марказий Советининг вице-президенти Тадеуш Рудольф ички-қўшма шохмида билан танишди. У В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалини зиёрат қилди.

ОБ-ХАВО

Тошкентда ҳаво катта бўлиб, кучси шамол эсади. Термометр симоби 35,37 даража иссиқлини кўрсатади.

БЕШ КУНЛИК ВА ДАМ ОЛИШ

Ишчилар учун

корхонанинг 40 ишчиси махсус автобусда завод ички Янгийўл районидида дам олиш зонасида еттиб келди. Эртага ҳам шунча киши кўли бу ерда кўнгили хордиқ чиқариб қайтади.

Дам олиш мавсими бошлангандан то шу кунга қадар агрегат заводининг ишчи, хизматчи, инженер-техник ходимларидан мингта яқин киши корхона касабаси соҳасида дам олиш зонасида дам олиш мақсадида турли маршрутлар бўйлаб саёҳатга жўнаб кетди.

Саёҳатга отландилар

Ҳар дам олиш кўни пойтахтимиз ишлаб чиқариш корхоналарининг ишчи, хизматчилари кўнгили турли мақсадида турли маршрутлар бўйлаб саёҳатга жўнаб кетди.

Турли маршрутлар бўйлаб

Трактор заводи ишчилари комитетининг навбатдаги йилнинг ҳал қилувчи йилининг учинчи квартални учун дам олиш йилари, курорт ва санаторийларга ажратилган нўтегаларни таъминлашга бағишланди. Уч ой давомида машинасозларда 110 га яқин киши ўз меҳнат отунақаларида Бурчикулда, «Октябрь 10» йиллик «Қўрай», «Обиракит» «Қузушқон» каби дам олиш уйларида бўлади. 56 тракторсоз эса республика ҳамда марказий санаторийларда бўлиб, соғлиқларини муҳафиз қилишга қўлдош берилди.

Оила ағзолари билан

«Галаба» маданият ва истироҳат зонасида «Ўзбекистон» заводи ишчиларининг дам олиш кўни ўтказилди. Ишчилар ўз оила ағзолари билан бирга

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ ШУҲРАТИ

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ИНГИЛИШИ

Совет кишилари жонан Ленин партияси давримизнинг ақлдорли, шон-шарафи ва орнунини деб билдилар. Улар ўзларининг бахтиёрликларини учун, бунёдкорлик меҳнат қувончи учун коммунистлар партиясини миннатдорлик билан тўғридан тўғридан билан танишди.

ЖАҲОН ОИНАСИ

★ ДАККА. Оғир курашда ўз мустақиллигини йил охирида қўлга киритди. Унинг Республикаси билан Вазирлар Халқ Республикаси Осиёдаги вазиятга баҳо беришда янги дидлар, лекин мағбулот қўнғиллашмоқда. Ваг, ладен ташқи ишлар министри Камол Ҳусайн, ВДР раҳбарлари билишнинг делегацияси — сингари Осиёда мустақиллик учун курашмоқда.

ШАНБА ОКШОМИ

БОБОЛАРИМИЗ ХИКМАТИ

Бир ҳоқимнинг айтишича, ҳар ким бадавлатлик пайтида ёру-дустларига ёрдам қилгани чўмаса, бечоралик пайтида унга ҳеч қандай ёрдам бермайди.

Сўралди: «Дўст ким?» Жавоб берди: «Оғир кунларда қўллаган киши».

Хар кимда бу тўрт нарсани бўлмайди: нил бўлмаса, иззат бўлмайди; мутоймлик бўлмаса, илм бўлмайди; саҳоват бўлмаса, дўст бўлмайди; дўст бўлмаса, давлат бўлмайди. Тўрт нарсани оғир баёлир: кўп хотинлик, ваёрон уй, носозгар аёл, ёмон кўшн.

Хар нарсани малол олувида дўстлик, елгончида вафо, ҳасаданда роҳат, пастнашда муруват ва бадфеълда улуглик бўлмайди.

Қаноатли киши оч ва яланғоч бўлса ҳам бойдир. Дово асир бўлса ҳам амирдир.

Хар кимнинг нафси уни чегарадан олиб чиқса, бу унинг ўлиmidir.

Луқмони ҳаним ўғлига насихат қилиб деди: «Бу насихатларимни ёд олиб, унга амал қилсанг, ақлли ва улук киши бўласан. Аввало, биров билан суҳбатлашсанг, доимо пандунасихатдан гапласан. Одамларни қадра, сирингни сақла, одамларни қийинчилик кунларида сина. Дўстини фойда ва зиён пайтида имтиҳон қил. Зийрон ва доно интилар билан дўст бўл. Аблах ва нодон кишилардан қоч. Хайрли ишга байрат қил. Сўзини ҳужжат билан гапир. Донолар билан маслаҳатлаш. Еш-ликни ғанимат бил, дўстларингни иззат ва ҳурмат қил. Устодни эъзозла. Қиримга қараб чиқма қил. Барча ишда ўртача йул тут. Олийжаноб бўл. Мехмоннинг ҳурмати-ни жойига қўй. Катталар суҳбатда тилигини ахтиёт қил. Кўпчилик билан келиш. Ли-бос ва танигини пок тут. Фарзандларингга илму одобни ўргат. Кам еб, кам иччини одаб қил. Синамай бировни устод қилма. Болаларга сир айтма». М. ХАСАНОВ тайёрлаган.



Хасан-Хусан, Фотиима-Зухралар тақдирларни бирга боғлашди. Ф. Абдурасулов фототўди.

• Аёллар, сизлар учун

ОРАСТА БЎЛИНГ

Юз терис бўша-шиб қолса, бодиринг, помидор ва қўл мевалардан юзга никоб тортиш яхши натижа беради. Бундан ташқари, гимнастика, физкультура билан шугулланиш, очик ҳавода сайр қилиш ҳам фойдали.

Тухум юзнинг нормал ва қуруқ терисини юмшатиш учун қўлланилади. Уни суртишдан олдин юз яхшилоб ювилади ва ёғли крем суркалади, кейин тухумнинг оқ билан саригини бирга аралаштириб юзга чапилади. Никоб юз-да 15—20 минут турган, илик сув билан ювиб ташланади.

Қўл мева ва сабзавот сувидан юзга сурт-са, ундаги витаминлар терининг озқиланиши-ни яхшилайди, тери то-заланади, оқарили ва майқиланади. Юзнинг терис бўшаган, қу-ришган, мой безлари-нинг мой чиқадиган тешмалари кенгайган, аксини тушган, сепкил босган ва доғ тушган ҳолларда бундай никоб-лар яхши натижа бера-ди. Қўл мева ва сабзавот сувидан юзга никоб тутиб ҳар қандай терига ярайверди.

Қуруқ теридagi қора нуқталарни йўқотиш учун терига ёғли крем, бирор ўсимлик мойи су-риш ёки мойли никоб тортиш керак, кейин қора нуқта бор жойни майда туз билан салгина ишқалас, юзин тоза сува ювиш лозим.

Баъзан аёллар кў-зим чиройли бўлсин деб қош ва киприклар-нинг суюқ бўиб, туш ёки қора қалам билан бўйадилар. Бу бўйқлар қошнинг кичикча тортиш ва тўқилишига сабабчи бўлади. Қош ва киприк-ка ўсма қўйиш фойда-лидир, чунки унда фой-дали витаминлар бор.

Эрталаб юзин со-вуқ сувга ювишга ода-тланг, бу юз терисин-нинг ташқи таъсирларга чидамчилигини оширади.

ЁЗЛИК ЛИБОС

Ёзлик кўйлақлар несиқни яхши ўтказмайдиган, намин ўзига тортадиган, енгил, тез-тез ювганда ва офтобда ранги айнамайдиган газламалардан тинилди. Бундай газламаларда дастлаб чит, полли, сатин, пики ва бошқалар кирди. Улар пишиқ бўлади, осон ювилади ва яхши дамолланади.

Кейин кўйлақлар, яъни кечаларга, театрларга кийиладиган кўйлақларни бир мунча қimmatроқ газламалардан, масалан, шойи, синтетик толали газламалардан тиниш тавсия этилади.

Ёзлик кўйлақ равшан рангли ва хар хил гулли бўлиши мумкин шундай газламалар табиат манзараси, яшил дов-дархатларнинг чиройли ранги билан уйғуллашади. Улар, айниқса, табиат кучоғида, шаҳардан ташқарига сайр қилиб чинаганда, курортга борганда жуда чиройли кўринадилар. Ёзги кўйлақ оч рангда ёки оқ бўлиши лозим.

Кечкурун кийишга кўйлақ-костюм ёки кўйлақ билан пальто-дан иборат аясамбўл тавсия эти-миз. Уларни исталган газламалардан тиниш мумкин. Унда қалин бўлмаган газламалар, масалан, шта-пель ёки креп-марокендан тинил-диган пальтони асталри қилиш керак. Шунда кийимнинг бичими яхши сақланади.

Доналар БИСОМИДАН

ТИББИЙ АХЛОҚ ҲАҚИДА

Ҳақиқий табиб ўзининг қудру-қимматини сақлагани ҳолда даволейди ва бешар ҳатти-ҳаракатлардан ўзини тияди. У мана шу фикрга мойил бўлгани кишиларни даволашга борсин. Уз виждонини даволай олмаган киши бошқаларни даволайман деса, бундай одам энг палид одамдир.

Абу Али ибн Сино.

Соғайиқни сақлаш барча яхшиликларнинг боши-дир.

Клод БЕРНАР.

Шифокорлар дилда йиғлашсин, ҳамдардлик курсатишлари мумкин, аммо касаллик билан курашганда кўз ёш қилмоқдан кўра уни англаш даркор.

А. ГЕРЦЕН.

Соғайиш умиди шифо топишнинг ярмидир.

ВОЛЬТЕР.

Кеерда одамларга мөхр бўлса, ўша ерда тиб маҳоратига муҳаббат бўлади.

ГИППОКРАТ.

Агар бемор шифокор суҳбатидан сўнг ўзини енгил сезмаса, у шифокор эмас.

В. БЕХТЕРЕВ.

Ёмон ёзувчи, истеъдодсиз расмчи, қобилиятсиз актёр бўлиш мумкин, аммо ёмон шифокор бў-лиш мутлақо мумкин эмас, бу жиқоат.

М. КОНЧАЛОВСКИЙ.

Менинг қабулимда охириг соат йўқ, охириг бе-мор бор.

И. ТИРШМАН.

УЙЛАНИШ

— Сен бўлажак хотинингизни жуда романтик усулда ўйлаб, уйлангубсан, шу тўғри-ми?

— Тўғри.

— Унинг ота-онаси қувлашмадими?

— Қувлашди.

— Етиб олишмадими?

— Етиб олишди. Ҳо-нр ҳаммалари бизни-кида яшашди.

Шехинг, кулишайлик!

Шахмат-шашка пайрови

(ТОШКЕНТЛИК АСКИЯЧИЛАР ЖАМОЛИДИН ЗАЙНИДИНОВ ВА МАЪРУФХОН РАҲИМОВЛАР РЕПЕРТУАРИДАН).

ЖАМОЛИДИН. Маъ-минсангиз, хар қалай тўсиқ-руфхон, шахмат ўйинига қалайсиз? От сурини биласизми?

МАЪРУФХОН. Билган-да қандоқ, биз от сурданга ўзларни «пийда» юрар эдилар.

ЖАМОЛИДИН. Ундай бўлса, бир беллашиб қурайлик, мабодо қолдириб қўйсан «руҳингиз тўшмай-дими»?

МАЪРУФХОН. Руҳимиз тўшмайди, мен иккиланиб қолдим. «Фил» миниб борсам, дўстим балки эшигини «очмас» деб.

ЖАМОЛИДИН. Фил миниб нима қиласиз. «Асп»га дингизга урса-та-

минсангиз, хар қалай тўсиқ-дан ҳам сақрай ўтаверасиз.

МАЪРУФХОН. Яхши ўйинчилар бундай қилмайди. «Тўра»дек кеккаясиз-а.

ЖАМОЛИДИН. Одамнинг тилини қичқитманг, кейин набатингиз келмас-дан «тош»ни ушламанг.

МАЪРУФХОН. Сиз ҳам кўзини шамғалат қилиб, «оқ катан» «қора катан»ка ўтиб олманг.

ЖАМОЛИДИН. Уйида бундай жиқазалик кетмай-ди. «Шоҳ»нингизга урса-та-

биларкансиз-да. Қани «то-шнингизни теринг» бошлай-тирром қилиш йўқ. Сиз ҳам мис.

ЖАМОЛИДИН. Чап қаранотингиз бўшашиб кетган-дек «пат» қилиб қўйсан деб чўчиляман.

МАЪРУФХОН. Тезроқ «тахта» қўтилиб юрасиз дессам, асин ишқибоз «эна-дан ажратиб қолдим» деб ўй-лаб ўтиравасизми?

ЖАМОЛИДИН. Шах-керан, бунча шояшисиз, «дама»ларга ўхшаб.

ЖАМОЛИДИН. Олдин уйнаб қўрайлик, мен сатр бўлманми ёки дамкангани қўлга тушраманми, ўшанда маълум бўлади.

Етиб олувчи: М. ТўРАБЕКОВ.

ҲАР ТўҒРИДА

Тошкент Ботаника Тури маълум.

Боғида таркибда алка, лонд ва бошқа шифо. давомида ўртача 150 кун бахш молдлар бўлган ўсимликларнинг 350 дан ортиқ тур ва навлари ўстрилмоқда.

Ҳозир ҳам аллома, маларига ҳаширотлар, қинг 900 мингдан ортиқ тури маълум.

Бешиктерватар йил давомида ўртача 150 кун ҳайт кечиради. У хар кунни 10 дан ортин кам та ва 30 га яқин майда зарарли ҳашаротларни еб, қисқа умрида қиш-лоқ ҳўжалигига қатта фойда келтиради.

Хушбўй ичимликлар

Шарқ халқлари чой истейди. Мол қила бошлаганларига минг йилдан зиёд вақт ўтди. XV аср-га келиб, чой ўсиш қитъаси. даги барча халқлар ўртасида шухрат қозонди.

Европага чойни 1610 йилда голландиялик сайёҳлар би-ринчи бўлиб олиб келишди.

Россия ҳам Европа мамла-катлари ичда биринчилар қа-тори чой билан ошпа бўлди.

1638 йилда подшоҳ Михаил Романов мўғул хоини Кучкун-га совға-салом юборди. Бун-га жавабдан, мўғул хоини рус подшоҳига 200 қадоқ чой жи-нади. Бу қадоқларнинг умум-ий оғирлиги минг фунтча эди! Дастававл, подшоҳ ва унинг атрофидagi бошлар бу «беғона мўғул»дан ҳайиқа-дилар, «ичиб» қуриш у ёнда турсин, унга қўл ҳам теки-майдилар. Бирон, кўп ўтмай, чойни москвалилар дори си-фатида қабул қила бошладилар, сўнгра у бутун Русга ман-зур ва машҳур бўлиб кетди. XVIII аср охири ва XIX аср бошларида чой оммавий ички-лик сифатида бутун мамла-кат бўйлаб кенг тарқалди.

1833 йилга келиб, Россия-нинг ўзида чой ишлаб чиқа-ришга уриниб кўриладил. Би-роқ, чой санвати Россияда жу-да бекилики билан тараққий-эта борди.

Совет ҳокимияти йилларида, гина чой санвати мамлаката-мида гурираб ўсди.

ҚУЛАЛИКЛАР АДРЕСИ

ТЕЛЕВИЗОР БУЗИЛИБ ҚОЛСА...

Сизга «Зангори экран» телеаппаратининг ходимлари ёрдамга келишади. Бу устахоналарда турли марказдаги ва катталикдаги телевизиорлар, магнитофонлар ва радиоларнинг ремонт қилдириб олиш мумкин. Устахоналарнинг энг йириқлари Навоий кўчасидаги 16-уйда («Санъат саройи» рўпарасида), Энгельс кўчасидаги «Галаба боғи» бекати яқинида, Шота Руставели кўчасининг «Театральна» бекатида жой-лашган.

Агар телевизиорингизни эълитиб билан ремонт қилдириш мумкин бўлганда, Навоий кў-часидаги 16-уйда жой-лашган «Экспресс-хизмат»га мурожаат қилишингиз мумкин. «Экспресс-хизмат» хо-димлари махсус ма-шинада бериб, бузи-лиш даражасига қараб телевизиорни уйда ёки устахонада олиб келиб тузатиб беришади. «Экспресс-хизмат» га 44-00.64 номерли телефон орқали буюрт-ма бериш мумкин.

Каптарлар санитария қондаларини бузишга

РИМ. Венециянинг ша-ҳар маъмурияти Авлиб Маря майдонида ва бошқа тарихий жойларда ашайтган 20 минг-дан ортиқ каптарни бошқа жой-га кўчириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Каптарларни марказий районларда боқилиш ман қилишга ва улар учун ша-ҳар чеккаларида охурилар қуришга қарор қилинди. Шаҳар маъмурияти бу чора Венеция-нинг санитария қондаларига хи-лоф ҳолатда бўлган эски шаҳар қисмида каптарларнинг ул-лашга чек қўйиш имконини беради, деб умид қилдилар.

Хандалар ХИЗМАТ

Ошхонада идиш-товуқ юваётган отадан ўзли сўради: — Дада, айтигинчи, сиз неча йилдан бери ойнада хизмат қиласиз?

БАХТЛИ ХОТИН

Эр-хотин боғда сайр қилишарди. Улар-нинг рўпарасидан бир аёл келарди. Эр хо-тинига қараб деди:

— Софи, ўзингни бахтли қилиб кўрсатишга харанат қил: у аёл менинг биринчи хотиним.

ҚАЧОНДАН БЕРИ

— Уйламаганим, — деди ота ўғлига, — сенинг ўшингда мен ҳеч қачон ҳеч кинига ёлгон гапирмаганим.

— Унда қачондан бошлагансиз? — сич-ковлик билан сўради ўғли.

ИНГОККИ БОЛА

Шотландияликлар ўртасидаги суҳбат:

— Энди ўзинг сенга мағзини килларида ёрдам бермайтми?

— Йўқ, мен уни бувининикига қишлоққа юбордим.

— Нега? Нахотини у насал бўлиб қолган.

— Йўқ, фанат, мен харидорларга қайти-мини бераётганимда у хар доим йилғайди.

Барно СОАТОВА таржимаси.

Рус ошпазлигининг Гроссмейстери

Бу ОДАМ энди 36 га кирган. Мос-квалдаги «Арагия» рес-торинида ишлайди. Не-ми-шариф Владимир Александрович Гудков. «Неделя» газе-тасининг мухбирлари В. Назаров билан Э. Церковер бу ошпаз-дан:

— Нега хил таомни биласиз? — деб сў-рашганида у:

— Тўрт юз хил, — деб жавоб берган.

Бирок, ҳаммасларин-нинг фикрига қараган-да, у бундан кўра ан-ча кўпроқ таом тайер-лаш усулини билади.

Чунончи, «Мосрест-рантстр» бошлиғи В. Г. Горшуниннинг айти-шича, В. А. Гудков «Катта пазандалик» китобидаги барча та-омларнинг моҳир уста-си экан. Уша китобда 8000 хил таом тайер-лаш усули баёнланган.

В. Р. Горшунинга ҳам савол беришган:

— Бизда пазандаларнинг энг юксак ун-вони қанақа?

Жавоб:

— «Уста пазанда», холос, лекин «Ошпаз-лик гроссмейстери» де-ган унвон тавсис эти-лас. Дастлаб шу унвон билан Владимир Гуд-ковнинг табирлашми истардим. Негаки, бу уста Бутунитиқоқ па-зандаларининг хар йи-ли уюштирилиб тури-ладиган конкурслари-да доим «чемпион» бўлиб чиқади, қолавер-са, унинг номи чет элларда ҳам машҳур.

Монреаль шаҳрида бўлиб ўтган «ЭКСПО — 67»да 8 ой ошпаз-лик қилиб икки том-ликки китобга тенг кела-диган «таҳсиллар дафтери» олиб келди.

Осамо шаҳрида бў-либ ўтган «ЭКСПО — 70» Халқаро виставка-сида В. Гудков шун-дай таом тайерлаган: аввал баҳраманд сўнг мамнун бўлиб кетил-ди Никсон, Жерар Филли, Жан Марс, Со-фи Лорен ва жуда кўп назоратчилар бунга ми-сол.

1951 йилда 14 ёшга тўлган Волода Гудков «Арагия» ресторанига сабабот арзучини бў-либ ишга кириди. 22 йил давомида шу жой-да ишлаб, «Рус ош-пазлигининг гроссмей-стери» даражасига кў-тарилди.

К. МАХМУДОВ.

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Нафақа тўлашдан бош тортиш

Ҳурматли редакция, ота-она суд ҳукми билан ажралгандан кейин, ўз фарзандига белгиланган нафақани тўлашдан бош тортиш муминими? Агар бу харанат жиноят деб ҳисобланса, у ҳолда шу ишни содир қилган ота ёки онага қандай жазо берили-ди?

С. ИЛХОМОВА.

Ота-она, агар улар суд орқали ажрим қилинган бўлса, вояга етмаган фарзандлари учун нафақа тўлашга мажбурдирлар. Бунда агар фарзанд она нафақасига қолган бўлса, ота би сайин нафақа пули беради. Аксинча бўлган тақдирда, она нафақа тўлайди. Бор-қиро, бола 18 ёшга етгандан кейин ҳам меҳнат-га лавқатсиз ва ёрдамга муҳтож бўлса, ота ёки она фарзандига ёрдам бериб туришга мажбур.

Суд ҳукми билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналар ўз болаларига нафақа тўлаш мажбуриятидан озод қилинади-лар. Суд томонидан белгиланган нафақани тўлашдан атайлаб бош тортиш мақсадида суд ижросини ва давловарини хабардор қилмай иш ёни турар жойини ўзгартириш, ҳақиқий ола-диган иш ҳақини яшириш харакатлари жиноят ҳисобланади.

Болалар учун тўланадиган нафақа миқдори Ўзбекистон ССР Нихоҳ ва оила кодексининг 102-моддасига биноан ҳал қилинади. Угай ота ва ўғай оналарнинг тарбиясида бўлган вояга етмаган болалар агар уларнинг ўз ота-оналари бўлмаса ёки улар ўз ота-оналаридан етарли маблағ ололмасалар, таъминот бериб туриш мажбурияти ўгай ота ва ўгай оналар зимма-сига юклатилади.

Меҳнатга лавқатсизлиги натижасида муста-қил даромад манбаига эга бўлмаган ота-она-лар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар.

Болаларни боқиб учун тўланадиган нафақа пулини беришдан бош торган ота-оналар Ўз-бекистон ССР жиноят кодексининг 104-мода-сига асосан, икки йилгача мудатга озодли-дан маҳрум қилинадилар ёки бир йилгача ах-лоқ тузатиш иши билан жазоланадилар.

Расмом табассуми

Манави киши поч-тага намуна кўл жат ташлайди.

У йиғор, ҳамма, нинг устидан туқмат ёзади.

Пенсионер балиқчи: — Аала дегин, қар-моқчи ололмаган,ку.

А. ҲАМИРОВ расмлари

ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Айиқвой чумилмоқчи.

Ташналик.

Муздак сув кучоғида.

В. Канижини фотолари.



